



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРЛАРИ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ

Рахмонов Азизжон,

Молия кафедраси катта ўқитувчиси, Тошкент Кимё ҳалқаро университети,
Тошкент, Ўзбекистон

azizrakhmonov1913@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6734-9504.

EMPIRICAL ANALYSIS OF THE SHORT-RUN AND LONG-RUN ECONOMIC IMPACTS OF THE SHADOW ECONOMY

Rakhmonov Azizjon,

Senior lecturer of the Department of Finance, KIMYO International University in Tashkent,
Tashkent, Uzbekistan

azizrakhmonov1913@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6734-9504

JEL Classification: C1, C41, C49

Аннотация. Мақолада яширин иқтисодиёт кўламининг иқтисодиётга таъсири борасидаги илмий-назарий адабиётлар тадқиқ этилган бўлиб, у асосида яширин иқтисодиётниң иқтисодий ўсиши ва бандлик даражасига узоқ ва қисқа муддатли таъсири моделлаштирилди. Хуфиёна иқтисодиёт даражасининг иқтисодий ўсиши ва бандлик даражасига таъсирини эмпирик баҳолаш мақсадида 44 та мамлакат бўйича 2004-2015 йилларни қамраб олган эконометрик таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижаларига яширин иқтисодиёт иқтисодий ўсишига қисқа ва узоқ муддатда салбий таъсирга кўрсатилиши аниқланди. Шунингдек, таҳлилда яширин иқтисодиёт ва ишсизлик даражаси ўртасида қисқа муддатли салбий алоқадорлик борлиги аниқланди. Бу норасмий сектор қисқа муддатда ташки шоклар оқибатида юзага келадиган ишсизликни сингдириши учун хизмат қилиши, лекин узоқ муддатда аҳоли фаровонлигига салбий таъсир борлиги аниқланди.

Abstract. The article researches the scientific and theoretical literature on the impact of the scale of the underground economy on the economy, based on which the long-term and short-term effects of the underground economy on the level of economic growth and employment were modeled. In order to empirically assess the impact of the level of the secret economy on the level of economic growth and employment, an econometric analysis covering the years 2004-2015 was conducted for 44 countries. The results of the analysis revealed that the hidden economy has a negative impact on economic growth in the short and long term. Also, the analysis revealed that there is a short-term negative relationship between the underground economy and the unemployment rate. It was found that the informal sector serves to absorb unemployment caused by external shocks in the short term, but has a negative impact on the welfare of the population in the long term.

Калим сўзлар: яширин иқтисодиёт, иқтисодий ўсиши, ишсизлик, бандлик, эмпирик таҳлил, солиқдан қочиши.

Key words: *Shadow economy, economic growth, unemployment, employment, empirical analysis, tax evasion.*

Кириш. Дунёнинг аксарият мамлакатлари миллий иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бекарор кўрсаткичлари, иқтисодиётдаги номутаносиблик, бюджет маблағларининг тақчиллиги, давлат ислоҳотларининг паст самарадорлиги ва бошқалар билан тавсифланади. Шу сабабдан барқарор узок муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда энг муҳим иқтисодий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Таркибий ёндашувга кўра, мамлакат иқтисодиётини икки гурухга ажратиш мумкин: расмий ва норасмий иқтисодиёт, бунда норасмий фаолиятнинг асосий қисми яширин иқтисодиётда (ЯИ) амалга оширилади. Бу эса яширин иқтисодий фаолият бутун дунё бўйлаб ҳаёт ҳакиқатига айланиб бўлганлигини англатади.

Хусусан, бугунги кунда дунёдаги ўнта ишчидан олтидан ортиқ ва ўнта корхонадан саккизтаси норасмий иқтисодиётда ишлайди. Бу, норасмийлик катта миқёсдаги ҳодиса бўлиб, эски прогнозлардан фарқли ўлароқ, вақт ўтиши билан камаймаган ва кўплаб мамлакатларда ҳатто ортиб бормоқда.

Шу сабабдан, яширин молиявий операциялар ҳажмининг доимий ўсиб бориши замонавий иқтисодиётнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Яширин иқтисодиётнинг мамлакат тараққиётининг турли таркибий қисмларига сезиларли таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳодисанинг сабаблари

ва ечимларини ўрганишдан аввал унинг оқибатлари тўғрисидаги қарашларни ўрганиш муҳим бўлиб, бу масаланинг қай даражада долзарблигини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мақолада яширин иқтисодиётнинг қисқа ва узок муддатда иқтисодий ўсиш ва ишлизикка таъсирини таҳлил қилинади.

Яширин фаолиятнинг умумий иқтисодиётга таъсири кенг қамровли, бўлиб, иқтисодий адабиётларда норасмийликнинг ҳам салбий, ҳам ижобий таъсири борлиги таъкидланади. Умуман олганда, яширин иқтисодиёт солиқ тизими ва унинг тузилишига, тармоқлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш самарадорлигига ва умуман расмий иқтисодиётга динамик маънода таъсир қиласи, деган қарашлар устунлик қиласи [1].

Яширин иқтисодиётнинг расмий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш учун бир нечта тадқиқотлар яширин иқтисодиётни назарий ёки эмпирик макроиқтисодий моделларга бирлаштиради.

Масалан, Ж. Хюстон назарий бизнес цикл модели асосида солиқ ва пул-кредит сиёсатининг яширин иқтисодиёт билан алоқаси мавжуд ва яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги рағбатлантирувчи фискал ёки пул-кредит сиёсатининг инфляцион таъсирини ошириб юборишга олиб келиши мумкин деган холосага келади [2].

Белгия учун ўтказилган эмпирик тадқиқотда М. Адам ва В. Гинсбург яширин иқтисодиётнинг расмий ўсишга таъсирига эътибор қаратдилар ва яширин иқтисодиётнинг ўсиши билан расмий ўсиш ўртасидаги ижобий муносабатни аниқладилар. Улар рағбатлантирувчи фискал сиёсат расмий ва норасмий иқтисодиёт учун ижобий таъсирга эга деган холосага келишди [3].

Бошқа бир тадқиқот, яширин

иқтисодиётнинг сезиларли даражада қисқариши солик тушумларининг сезиларли даражада ошишига ва натижада иқтисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин бўлган давлат товарлари ва хизматларининг миқдори ва сифати ошишига олиб келишини таъкидлайди. Хусусан, Н. Лоайза оддий макроиқтисодий эндоген ўсиш моделини норасмий иқтисодиёт ҳажмининг ўсиши (1) қонунчиликда белгиланган солик юки оптимал солик юқидан каттароқ бўлган ва (2) қонун устуворлиги заиф бўлган иқтисодиётларда иқтисодий ўсишни пасайтиришини аниқлаган [4]. Ушбу салбий корреляциянинг сабаби норасмий сектор ва давлат инфратузилмаси ўртасидаги кучли салбий корреляция билан изохланади. Давлат-инфратузилма эса иқтисодий ўсишнинг асосий элементи ҳисобланади.

Худди шунингдек, Б. Гуиллермо Ф. Дейви Лотин Амурикаси ва ИХТТ мамлакатларини таҳлил қилган ҳолда яширин иқтисодиёт даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат (инфляцияга қарши сиёсат, фискал кенгайиш сиёсати, қашшоқликни юмшатиш ва бошқалар) шунчалик самарасиз бўлишини аниқладилар [5]. Бундан ташқари, юқори яширин иқтисодиёт солик йиғишнинг паст даражасига эришилади, бу нафақат бир киши учун солик интизомининг пастлиги, балки солик солинадиган базанинг пастлиги ҳам таъсири қиласди.

Бир қатор бошқа тадқиқотлар ҳам яширин иқтисодиётнинг оқибатлари тўғрисида юқоридагига ўхшаш натижаларни кўрсатади.

Хусусан, А. Катречка ўз тадқиқотида яширин иқтисодиёт ҳажмининг ўсиши солик тушумларининг сезиларли даражада пасайишига ва давлат

товарлари билан таъминланишнинг ёмонлашишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Унга кўра, солик тушумларининг камайиши одатда давлат харажатлари ва трансферларининг камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ижтимоий муҳитнинг ёмонлашишига ва яширин иқтисодиёт улушкининг ошишига олиб келади. Буни, албатта, институтлар сифатини пасайтирадиган ва ижтимоий ривожланишнинг рецессиясига олиб келадиган аёвсиз доира деб ҳисоблаш мумкин [6].

Ф. Шнейдер ва Д. Энсте таъкидлашича, яширин иқтисодиёт фаолияти ҳар доим турли хил салбий таъсиrlар билан уйғуллашади: ресурсларнинг катта исроф қилиниши. Яширин иқтисодиётнинг ривожланишга салбий таъсири микроиқтисодий, макроиқтисодий ёки ижтимоий муаммолар бўйича табакаланиши мумкин. Макроиқтисодий муаммолардан бири бу давлат молиясининг қисқаришига олиб келадиган яширин иқтисодиёт ва солик юкининг “шафқатсиз доиласи” билан боғлиқ [7].

Норасмий иқтисодиётнинг мавжудлиги макросиёсатни самарасиз қиласди. Й. Эилат ва С. Зиннес пул-кредит сиёсати заифлашганини мисол қилиб келтиради, чунки яширин иқтисодиётдаги фирмалар банк тизими ва капитал бозорлари билан камроқ боғланган [8]. Бундан ташқари, Ф. Счнейдер ва Д. Энсте яширин иқтисодиёт ижтимоий меъёрларнинг парчаланишига олиб келишини таъкидлайдилар [9].

Яширин иқтисодиётнинг салбий оқибатлари билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири борасида ҳам бир қатор қарашлар ҳам мавжуд.

М. Адам ва В. Гинсбург яширин

иқтисодиётнинг ўсиши фақат маълум тахминлар остида “расмий” иқтисолиётнинг ўсишга олиб келишини таъкидладилар. Улар Белгия бўйича ўз назарияларини исботладилар ва кенгаювчи фискал сиёсат расмий ва норасмий иқтисодиётлар учун ижобий туртки бўлади деган хulosага келишиди. Бунда давлат солиқларнинг юқорилиги ҳисобига кучайиб боради ва оқилона давлат бошқарувида бу давлатнинг кучли агенти сифатида юқори сифатини таъминлайди. Бироқ, агар у оқилона бўлмаса, бу бузук ваadolatсiz хукumat учун катта ўринни бериши мумкин, бу эса вазиятни ёмонлаштиради [3].

Х. Никопоур ва бошқалар яширин иқтисодиёт иқтисодий муҳитнинг шаҳар хизматлари ва кичик ишлаб чиқаришга бўлган талабларига жавоб беради, шунинг учун неоклассик назария бу маънода яширин иқтисодиётни оптимал деб кўрсатади. Бундай ҳолат иқтисодий ўсиш учун юқори потенциални таъминлаши мумкин ва натижада яширин иқтисодиётнинг кўпайиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий боғлиқлик юзага келиши мумкин [11]. Ф. Счнейдер ва Д.

Энсте норасмий иқтисодиётдан олинган даромадларнинг 66% дан ортиғи дархол расмий секторга сарфланиши ва ўсиш ва солиқ даромадларига ижобий таъсири кўрсатишини аниқлаганлар [9].

А. Сингх ва бошқалар йирик норасмий секторни расмий иқтисодиёт доирасида келажакдаги иқтисодий ўсишнинг гуллаб-яшнаши сифатида кўриш мумкинлигини таъкидлайдилар [12]. Б. Пфау-Еффингергша асосан эса хуфёна иқтисодиётни давлатнинг расмий институтлари ва меҳнат бозори томонидан етарли даражада ҳал этилмаган ижтимоий муаммоларнинг ўринни босувчи ечим сифатида қараш мумкин [13]. К. Гёрххани яширин иқтисодиёт режалаштирилган иқтисодиётларда сиёсий норозилик учун хавфсиз зона вазифасини бажариши мумкинлигини кўрсатади [14].

Назарий ва амалий адабиётларни тадқиқ этиш асосида яшрин иқтисодиётнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсирини қўйидаги жадвалда жамлашимиз мумкин.

1-жадвал

Яширин иқтисодиётнинг салбий ва ижобий таъсири тўғрисидаги адабиётлар таҳлили жамланмаси¹

№	Салбий таъсири	Ижобий таъсири
1.	Хуфёна фаолият расмий тадбиркорлик фаолияти харажатини ошириш орқали унинг йўлга кўйилишига салбий таъсири кўрсатиб, уни	Яширин иқтисодий фаолият қўшимча иш ўринлари ва янги даромад манбаларини яратади
2.	Яширин иқтисодиёт қонуний ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда кўринмас тўсиклар яратади.	Норасмий бандлик аҳолининг барча қатламларининг молиявий аҳволини яхшилайди
3.	Норасмий ишлаб чиқарувчилари илмий-тадқиқот ишларига сармоя киритмайдилар	Норасмий муносабатлар ижтимоий кескинликни пасайтиради, шунингдек, бой ва камбағал ўртасидаги номақбул ижтимоий қарама-қаршиликларни юмшатади.
4.	Яширин иқтисодиёт ижтимоий соҳани бузади. Даромадларнинг ноҳақ қайта тақсимланиши, шунингдек, ноқонуний бозорларнинг кенгайиши	Яширин фаолият аҳоли даромадларидаги ҳаддан ташқари тенгсизликни мувозанатлашга ёрдам беради

¹ Муаллиф томонидан тайёрланди

	натижасида истеъмол тузилмаси бузилишига олиб келади	
5.	Норасмий иқтисодий ҳодисалар расмий иқтисодиётда ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга иштирокига салбий таъсир кўрсатади.	
6.	Яширин иқтисодий фаолият атроф-муҳитга жиддий зарар этказади	
7.	Яширин фаолият юритувчилар жавобгарликка тортилмаслиги сабабли ҳар қандай ҳолатда истеъмолчилар ҳукукларини бузада	
8.	Яширин иқтисодиётнинг кўлами ҳалқаро ва ички иқтисодий муносабатлар жараёнига салбий таъсир кўрсатади	
9.	Иқтисодиётнинг тартибсиз секторида ўрнатилган норасмий муносабатлар тизими ислоҳотларни амалга оширишга тўсиқинлик килади	

Юқоридаги жадвалда кўришимиз мумкинки, яширин иқтисодиёт нафақат салбий балки ижобий томонлари ҳам бўлиб, аммо назарий, илмий ва амалий адабиётлар таҳлили унинг ижобий таъсири асосан давлатнинг сиёсий, итқисодий ва ижтимоий институтлари яхши ривожланмаган давлатларда юзага келишини кўрсатди.

Материал ва методлар. Яширин иқтисодиётнинг давлат фискал ва монетар сиёсалари самарасини пасайтириш орқали ялпи талаб ва таклифга ва у орқали аҳоли турмуш даражасига таъсир йўналиши акс эттирилган. Бу ҳолатни ялпи талаб (AD) ва ялпи таклиф (AS) эгри чизиқлари орқали яширин фаолиятни иқтисодиётга таъсирини кўйидагича моделлаштириш мумкин.

Яширин иқтисодиётнинг қисқа муддатли таъсири:

Бунда биз, биринчи навбатда, AD/AS моделининг фақат қонуний ишлаб чиқариш фаолияти ҳолатида кўриб чиқамиз, чунки фақат қонуний иқтисодий фаолият миллий бойликка (аҳоли турмуш даражси) ҳисса қўшиши (агар қайд

этилган бўлса) ва шу билан солиқса тортиладиган даромадни ошириши мумкин. Шунингдек, моделни соддолаштириш мақсадида ташқи савдо учун ёпиқ ёки муқобил равишда соф экспорт ҳар доим нолга тенг бўлган очиқ иқтисодиёт фарази асосида кўриб чиқамиз.

$$Y = C + I + G + NX \quad (1)$$

бу ерда Y – ялпи ички маҳсулот (миллий даромад), C – хўжаликлари истеъмоли, I – миллий инвестиция, G – давлат харажатлари ва NX – соф экспорт ($NX = 0$).

Иқтисодиёт мувозанат ҳолатида ялпи талаб (AD) иқтисодий тизимнинг жами харажатларини, яъни уй хўжаликлари истеъмоли (C), миллий инвестиция (I) ва давлат харажатлари (G) йиғиндисини ифодалайди [15]:

$$AD = C + I + G \quad (2)$$

бунда

$$C = C_0 + c \times (Y - T) \quad (3)$$

Бу ерда (2) - тенглама истеъмол функцияси бўлиб, C_0 - автоном истеъмол, $0 < c < 1$ - истеъмолга бўлган чегаравий мойиллик, Y – ЯИМ (миллий даромад) ва ($Y - T$) – соф даромад, яъни соликдан

кейинги даромад даражасини акс эттиради.

Бунда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг (E) таъсирини давлатнинг бюджет чеклови (яъни, давлат харажатларини молиялаштириш асосан солиқлар билан чекланиши) функцияси ҳисобга олиш имконини беради. Чунки, яширин иқтисодиёт ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ижобий алоқадорликка эга бўлиб, охир оқибат бюджет даромадларни камайишига олиб келади [15]. Буни куйидагича моделлаштириш мумкин:

$$G = T \quad (4)$$

$$T = t \times (1 - \gamma) \times Y = t \times Y - E \quad (5)$$

$$E = t \times \gamma \times Y \quad (6)$$

бу ерда $0 < t < 1$ - маржинал солиқ ставкаси ва $0 < \gamma < 1$ - яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши (Y) акс эттиради. Демак, яширин иқтисодиётнинг (γ) ўсиши (ва буни оқибатида (E)-нинг ўсиши) давлат даромадларини (T) пасайишига ва оқибатда давлат харажатларини (G) камайиради. Бу эса ўз навбатида ижтимоий товарлар сифати ва миқдорини камайишига олиб келади [16].


Бундан ташқари, (T) нинг камайиши ва бу сабабли, (G) нинг камайиши (Y) ни ҳам камайиради. “Даромад мултипликатори эфекти” сабабли (Y) нинг қисқариши (T) нинг қисқаришидан

кучлироқ бўлади. Бу эса ўз навбатида соф даромад ва уй хўжаликларининг истеъмол (C) даражасини ҳам камайиради.

Аммо адабиётларларда, яширин иқтисодиётда яратилган даромадларнинг катта қисми расмий секторга сарфланалиши таъкидланади, бу эса умумий харажатларга (истеъмол) ижобий таъсир кўрсатади. Расмий иқтисодиётдаги даромадлар ЯИМ ва яширин иқтисодиёт орасидаги фарқ ($(1 - \gamma) \times Y = (1 - \gamma) \times Y$) эканлигидан келиб чиқиб, яширин иқтисодиёт улушининг ошиши (γ) яширин даромадларни оширади, лекин расмий сектор ва расмий даромадлар улушини ($(1 - \gamma) \times Y$) камайиради деб ҳисоблаш мумкин. Бу ялпи талабга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан яширин иқтисодиётнинг истеъмолга қарама-карши бўлган бу икки таъсири бир-бiriни бекор қиласи деб тахмин қилиш мумкин. Ниҳоят, яширин иқтисодиёт ҳисобига (Y) нинг катта пасайиши миллий жамғарма ва фирмаларнинг инвестицияларини (I) ҳам камайиради:

$$(Y - C - G) = I \quad (7)$$

Қисқача айтганда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш иқтисодий ресурсларни исроф қилинишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, солиқдан қочиш кўпайганда ялпи талаб эгри чизиги (AD), қисқа муддатда нарх эгри чизиги бўйлаб чапка силжийди ($AD \rightarrow AD^U$). Бошқа сўз билан айтганда, иқтисодиётдаги мавжуд нарх даражасида ($P = P_0$), юқори даражадаги солиқдан қочиш (E) ва яширин иқтисодиёт (γ) иқтисодиётда ялпи талабни камайиради ва бу орқали ЯИМни ҳам пасайишига ($Y_0 \rightarrow Y_1$) олиб келади (1-расмга қаранг).




1-расм. Юқори яширин иқтисодиёт (y) ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш (E) ҳолатида ялпи талаб (AD)²

Яширин иқтисодиётнинг узок муддатли иқтисодий ўсишига таъсири:

Иқтисодий ўсиш борасидаги назарияларга асосан иқтисодий ўсиш ижтимоий инфратузилмаларни яхшилашни талаб қиласи ва ҳукуматнинг фискал сиёсати унинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Мухтасар қилиб айтганда, малакали ишчилар ишлайдиган ва янада мураккаб технологияларни ўзлаштирадиган расмий иқтисодиёт иқтисодий ривожланишнинг двигателидир [17].

Шу сабабли, юқори яширин иқтисодиёт даражси катта бўлган иқтисодий тизим ночор ижтимоий инфратузилмага эга жамиятдир. Яширин иқтисодиёти бўлмаган (ёки камроқ улуши бўлган) иқтисодиётнинг потенциал ЯИМи (Y_p) яширин иқтисодий фаолият улуши каттароқ бўлган иқтисодиётнинг потенциал ЯИМдан (Y_p^U) юқори бўлади (2-расмга қаранг).

$$Y_p > Y_p^U \quad (8)$$



2-расм. Узок муддатда AD - AS модели. юқори яширин иқтисодиётга эга мамлакат (Y_p^U) ва соғлом иқтисодиёт (Y_p)³

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди


³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Юқори яширин иқтисодиёт ҳолатида *AD-AS* моделининг узок муддатдаги ҳолати 2-расмда кўрсатилган боўлиб, унга кўра потенциал ишлаб чиқаришга талаб омиллари таъсир қилмайди. Чунки нарх умумий харажатларнинг қисқариши ва потенциал ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик.

Норасмий сектор асосан малакасиз ишчилар ва қолоқ технологияни ўзлаштиради сабабли у қолоқ

мамлакатларда юқори бўлади [18]. Шунинг учун иқтисодий ўсиш ва яширин иқтисодиёт ўртасида салбий муносабатлар мавжуд (хеч бўлмаганданда узоқ муддатда).

Ҳолатни тўлароқ тассавур қилиш учун яширин иқтисодиётнинг улуши бўйича фарқ қиласидаги икки иқтисодиёт кенгайтирилган *AD-AS* моделини таққослаймиз (3-расмга қаранг).



3-расм. Яширин иқтисодиёт билан *AD-AS* модели: қисқа ва узоқ муддатда⁴

3-расмда кўрсатилган моделда уч хил “мувозанат” акс эттирилган. Хусусан:

- *C* - нуқта яширин иқтисодиётнинг улуши катта бўлган иқтисодиётнинг қисқа муддатли мувозанатини акс эттиради (бу ҳолатда таклиф ижобий ташки таъсир остида).
- *B* - нуқта яширин иқтисодиётнинг улуши катта бўлган иқтисодиётнинг узоқ муддатли мувозанатини акс эттиради (бу ҳолатда потенциал ЯИМ (Y_P^U) пастроқ).
- *A* - нуқта яширин иқтисодиётнинг улуши паст бўлган иқтисодиётнинг ҳам қисқа муддатли ҳам узоқ муддатли мувозанат ҳолатини акс эттиради (бу ҳолатда потенциал ЯИМ (Y_P) ҳам, ялпи талаб (*AD*) ҳам юқори).

Бундан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Қисқа муддатда, агар яширин иқтисодиётнинг бандликка ҳам, ҳақиқий ишлаб чиқаришга ҳам ижобий таъсири сезиларли бўлса (яъни, AS^U сезиларли даражада пасайса), *C* нуқтага *A* нуқтага қараганда яхшироқ вазият ҳисобланади, чунки бу нуқтада яшаш нархи паст ва харид қуввати юқори бўлади. Шунингдек, *C* нуқтага *A* нуқтага (яъни, потенциал ишлаб чиқариш (Y_P) даражаси) яқинлашади.

Узоқ муддатда, аксинча, тескари вазият энг мақбул ҳолат бўлади: *A* нуқта *B* нуқтага қараганда яхшироқ ҳолат, чунки яширин иқтисодиётнинг катта улуши мавжуд бўлганда потенциал ишлаб чиқариш паст бўлади.

Регрессия модели

Назарий моделнинг асосий хулосасини оддий эмпирик синовдан ўтказиш мақсадида қуйидаги икки гипотезани илгари сурамиз:

H_1 - яширин иқтисодиёт узоқ муддатда иқтисодий ўсишга салбий таъсир қиласиди.

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Н₂ - яширин иқтисодиёт ишсизликка қисқа муддатли ижобий таъсир қўрсатади. Юқоридаги гипотезаларни эмпирик таҳлилда ўрнатган гипотезаларимиздан келиб чиқиб биз иккита моделини тахмин қиласиз:

$$\Delta GDP_{i,t} = \sum_{j=0}^4 \alpha_j \times SE_{i,t-j} + \varepsilon_{i,t} \quad (8)$$

ва

$$UN_{i,t} = \sum_{j=0}^4 \alpha_j \times SE_{i,t-j} + \varepsilon_{i,t} \quad (9)$$

бу ерда $\Delta GDP_{i,t}$ - i мамлакатнинг t йилдаги ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати; $UN_{i,t}$ - i мамлакатнинг t йилдаги ишсизлик даражаси, $SE_{i,t}$ - i мамлакатнинг t йилдаги яширин иқтисодиётнинг улуши.

Бунда, α_j – коеффициентлари $SE_{i,t}$ нинг $\Delta GDP_{i,t}$ ва $UN_{i,t}$ га таъсирини кўрсатади. Аникроқ айтадиган бўлсак:

α_0 – коеффициенти жорий йилдаги яширин иқтисодиёт даражасининг ($SE_{i,t}$) иқтисодий ўсиш ($\Delta GDP_{i,t}$) ва ишсизлик даражасига ($UN_{i,t}$) таъсир (одатда таъсир мултипликатори деб аталади) хисобланади;

α_1 , α_2 , α_3 ва α_4 коеффициентлари олдинги даврларидаги яширин иқтисодиёт даражасининг ($SE_{i,t}$) иқтисодий ўсиш ($\Delta GDP_{i,t}$) ва ишсизлик даражасига ($UN_{i,t}$) таъсирини (улар одатда оралиқ мултипликаторлар деб аталади) акс эттиради;

яширин иқтисодиёт даражасининг ($SE_{i,t}$) иқтисодий ўсиш ($\Delta GDP_{i,t}$) ва

ишсизлик даражасига ($UN_{i,t}$) умумий таъсири узоқ муддатли мувозанат эфекти дейилади ва куйидагича ифодаланади: $\sum_{j=0}^4 \alpha_j = \alpha_0 + \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3 + \alpha_4$.

Экономеирик таҳлилни амалга оширишда биз ҳар бир мамлакатга хос бўлган кузатилмайдиган ҳетероженликни қамраб оладиган “бир томонлама сабит эфектлар” (one-way fixed effects) моделидан фойдаланамиз. Ушбу эмпирик таҳлилда жами 44 та мамлакат бўйича 2004-2015 йиллар оралигидаги панел маълумотлар тўплами қамраб олинди. Бунда, яширин иқтисодиёти тўғрисидаги маълумотлар Schneider ва Friedrich томонидан олиб борилган тадқиқотлардан олинган[3] бўлиб, ишсизлик ва иқтисодий ўсиш тўғрисидаги маълумортлар жаҳон банкининг маълумотлар базасидан олинди.

Натижалар.

2-жадвал

Регрессия натижалари⁵

Ўзгарувчилар	Eq. (8) $\Delta GDP_{i,t}$		Eq. (9) $UN_{i,t}$	
	Коэф.	Стрд. хатолик	Коэф.	Стрд. хатолик
$SE_{i,t}$	-0.067**	(0.078)	-0.256***	(0.049)
$SE_{i,t-1}$	-0.136***	(0.042)	0.010	(0.026)

⁵ STATA 15 дастуридан фойдаланган холда муаллиф томонидан хисоблаб чиқилди

$SE_{i,t-2}$	-0.039	(0.042)	-0.002	(0.027)
$SE_{i,t-3}$	-0.031	(0.042)	-0.006	(0.026)
$SE_{i,t-4}$	-0.108***	(0.032)	0.023	(0.020)
Константа (α_j)	3.616**	(1.653)	1.951*	(1.049)
Статистик тестлар				
R ²	0.072		0.065	
F-тест	0.000		0.000	
Кузатувлар сони	524		524	
Мамлакатлар сони	44		44	

*** - аҳамиятлилик даражаси $p<0.01$ (99%) ни англатади.
 ** - аҳамиятлилик даражаси $p<0.05$ (95%) ни англатади.
 * - аҳамиятлилик даражаси $p<0.1$ (90%) ни англатади.

З-жадвалда кўрсатилган эмпирик таҳлилнинг иккита асосий натижаси бўйча қуидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. 8-моделда яширин иқтисодиёт даражаси ($SE_{i,t}$) иқтисодий ўсиш ($\Delta GDP_{i,t}$) ўртасидаги корреляция ҳар доим салбий ва қўп ҳолларда статистик жиҳатдан аҳамият аҳамиятга эга бўлиб, қисқа муддатда (яъни жорий йилда ($SE_{i,t}$) ва ўтган йилда ($SE_{i,t-1}$)) яширин иқтисодиётнинг 1%га ўсиши иқтисодий ўсишни мос равишда -0.667% ва -0.136%га камайтириши аниқланди. Узоқ муддатда, яъни тўрт йил олдинги яширин иқтисодиёт кўлами ($SE_{i,t-4}$) иқтисодий ўсишни -0.108%га пасайтириш мумкинлиги исботланди. Демак, яширин иқтисодиёт ва иқтисодий ўсиш ўртасида нафакат қисқа муддатли балки узоқ муддатли салбий алоқадорлик мавжуд деб хулоса қилиш мумкин..

2. 9-моделда яширин иқтисодиёт даражаси ($SE_{i,t}$) ва ишсизлик даражаси ($UN_{i,t}$) ўртасидаги корреляция ҳам салбий бўлиб (жуда кичик бўлса-да), факат жорий вақт даврида статистик аҳамиятга эга. Демак, яширин иқтисодиёт ва ишсизлик ўртасида факат қисқа муддатли салбий алоқадорлик бўлиб, бу яширин иқтисодиёт ва бандлик ўртасида қисқа муддатли ижобий боғлиқлик бор деган

хулосага келиш мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таҳлилар назарий моделнинг асосий гипотезаларини тўғрилигни тасдиқлади. Яширин иқтисодиёт томонидан кўзғатиладиган ижобий таклиф шоки қисқа муддатда бандликка ижобий таъсирга эга эканлигини тасдиқлади. Демак, ишсизликни камайтириш орқали яширин иқтисодиёт қисқа муддатда бандликка ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, модел иқтисодиётнинг яширин сектори, албатта, иқтисодий ўсишга (узоқ муддатда ЯИМга) салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб агар ҳукуматнинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни рағбатлантириш бўлса, улар бор кучларини яширин иқтисодиётга қарши курашишга сафарбар қилишлари зарур (мақсадг амувофиқ). Аксинча, агар ҳукумат факат бугунги кундаги иқтисодий-ижтимоий босимни камайтириш ва сиёсий мавқеини сақлаш бўлса, яширин иқтисодиётга маълум даражада йўл қўйиш мумкин (айрим мамлакатларда бу ҳолат содир бўлаётганлигини кузатиш мумкин). Бундан келиб чиқадики, сиёсатчilar даврлараро ижтимоий-иктисодий дилеммага дуч келишади. Албатта, юқоридаги тавсиялар кўпроқ субъектив ва муқаррар равишда давлат сиёсатининг позициясига боғлиқ.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Friedrich, S. & Robert, K. (204) Shadow Economies around the World: What Do We Know? Discussion Paper No. 1043. <http://www.iza.org/>.
2. Houston, J. (2007). The underground economy: A troubling issue for policymakers. Business Review Federal Reserve Bank of Philadelphia, 3-12.
3. Adam, C. & Ginsburgh, V. (2005). The effects of irregular markets on macroeconomic policy. Some estimates for Belgium, European Economic Review 29, 15-33.
4. Loayza, V. (1996) The Economics of Informal Sector: A Simple Model and Some Empirical Evidence from Latin America. Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy, 45, 129-162. [https://doi.org/10.1016/S0167-2231\(96\)00021-8](https://doi.org/10.1016/S0167-2231(96)00021-8)
5. Guillermo, B. & Deyvi, F. (2016). The informal economy and its impact on tax revenues and economic growth. The case of Peru, Latin America and OECD countries.
6. Anna, K. (2014). The effect of the shadow economy on social development. A comparative study on advanced and least developed countries. Master's Thesis International Administration and Global Governance. University of Gothenburg.
7. Schneider, F. & Enste, D. (2013). The Shadow Economy. Cambridge Books.
8. Eilat, Y. & Zinnes, C. (2000). The evolution of the shadow economy in transition countries: consequences for economic growth and donor assistance. Harvard Institute for International Development, CAER II Discussion Paper, (83).
9. Schneider, F. & Dominik, E. (2000). "Shadow Economies: Size, Causes, and Consequences." Journal of Economic Literature, vol. 38, no. 1. 77–114. JSTOR, <http://www.jstor.org/stable/2565360>. Accessed 17 Jan. 2023.
10. Nikpour, H., Shah Habibullah, M., & Schneider, F. (2008). The shadow economy Kuznets's curve panel data analysis. MPRA Paper No. 12956.
11. Singh, A., Jain-Chandra, S., & Mohommad, A. (2012). Inclusive Growth, Institutions, and the Underground Economy (PDF Download). International Monetary Fund.
12. Pfau-Effinger, B. (2003). Development of informal work in Europe-causal factors, problems, approaches to solutions. In EU Workshop Informal/undeclared work 21st May, Brussels.
13. Mankiw, G. 2015. Essentials of Economics, 7th ed. North Way: Cengage Learning EMEA.
14. Mazhar, U. & Pierre-Guillaume, M. (2017). Taxing the unobservable: The impact of the shadow economy on inflation and taxation. World Development 90: 89–103.
15. Torgler, B. (2007). Tax Compliance and Tax Morale: A Theoretical and Empirical Analysis. Cheltenham and Northampton: Edward Elgar Publishing.
16. La Porta, R. & Andrei, S. (2008). The unofficial economy and economic development. Brookings Papers on Economic Activity 39: 275–363.
17. Ibrecht, J., Lucas N. & Susan, V. 2009. The effects of labour market policies in an economy with an informal sector. Economic Journal 119: 1105–29.